

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 11 (1023) • 2015-yil, 13-mart, juma

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровни қўллаб-қувватлашга чақирамиз

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 10 март куни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирда корхона ва ташкилотлар ходимлари, тадбиркорлар, маҳаллалар фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Учрашувда Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Бувайда тумани тиббиёт коллежи директори М. Холдоров йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.



Наримон Умаров

Сайлов — 2015

фарғоналик сайловчилар билан учрашди

Наримон Умаров Фарғона вилояти сайловчиларига ўз сайловолди дастурининг устувор йўналишлари хусусида сўзлаб берди. Унда ёшдан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳоли, келиб чиқишдан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар тақдим этиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Қонун устуворлигини таъ-

минлашга ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим ва зарурий шарти сифатида қаралмоқда.

Хусусан, иқтисодиётнинг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини такомиллашти-

риш Президентликка номзоднинг сайловолди дастуридан алоҳида ўрин эгаллаган. Қайд этилганидек, мамлакат ва иқтисодиётнинг асосий рақобатбардошлиги кўрсаткичи унинг кадрларида, инсон салоҳиятида намоён бўлади. Ушбу соҳада мутахассисларни меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб тайёрлашни таъминлаш

муҳим вазифа саналади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли бепул таълим олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Ёш йигит-қизларимиз меҳнатига муносиб ҳақ тўланадиган иш топиши, малакали мутахассис бўлиши, имконияти бўлса — ўзининг ишини йўлга қўйиши зарур.

2>

Мамлакатимиз келажаги — инновацион иқтисодиётда ишончли вакиллар сайловолди тадбирларини ўтказмоқда

Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни тобора яқинлашиб келмоқда. Халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин равишда яна бир бор намоён этадиган ушбу йирик сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнлари қизгин кечаяпти. Мустақам ҳуқуқий асослари яратилган сайлов тизими юртимизда демократия қарор топганини амалда яққол кўрсатиб, Президентликка номзодлар бир хил имконият ва тенг шароитларда кенг тарғиб-ташвиқ этилмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Мажитович Умаровнинг ишончли вакиллари сайлов қонунчилигига мувофиқ ҳудудларда тарғибот-ташвиқот фаолиятини олиб бормоқдалар. Республикаимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари фуқароларнинг фаол иштирокида, очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтмоқда.

3>

Қонун ҳужжатлари

замон талабларига мослаштирилмоқда

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия Марказий аппарати масъул ходимлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар ва ОАВ ходимлари иштирок этган йиғилишда қўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилган янги тахрирдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг асосий мақсади тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш амалиётларини такомиллаштириш, улар ишининг барқарор-

лигини таъминлаш, қонунга риоя қилиб ишлайдиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашиларни қисқартиришдан иборат.

Қонун лойиҳасида амалдаги қонунда кенг қўлланилган “режали текшириш”, “режадан ташқари текшириш”, “қисқа муддатли текшириш” ва “текшириш дастури” каби тушунчаларнинг моҳияти очиқ берилмоқда.

2>



Учрашув самимий руҳда ўтди

11 март куни Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг чекланган миссияси раҳбари Каэтана де Зулуэта, миссиянинг сиёсий масалалар бўйича эксперти Мари Кристелле Мели партия марказий сайлов штаби вакиллари билан учрашди.

Учрашувда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари, марказий сайлов штаби раҳбари Абдукамол Раҳмонов Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг парламент ва Президент сайловларида тўплаган тажрибаси, партия аъзолари ва хайрихоҳларининг партиядан илгари сурилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод — Наримон Умаровни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш ҳамда сайловолди кампанияси жараёнидаги муносиб иштироки, шунингдек, сайловолди ташвиқот доирасида жойларда ўтказилаётган учрашувларни юксак даражада ташкил этишда номзоднинг ишончли вакиллари ҳақида батафсил маълумот берди.

2>

Миллий ва халқаро кузатувчилар иштироки

сайловнинг адолатлилиги, очиқлиги ва шаффофлигини кўрсатади

Сайловнинг умумийлик ва тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, адолатлилиги, эркинлик, ошкоралик каби демократик тамойилларга риоя этилишини таъминлашда хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик кузатувини амалга ошириш учун имконият беради. Бундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларга, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг кузатувчиларига, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига берилган.

3>

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
САЙЛОВИ — 2015



29 март
ЯКШАНБА

16 кун қолди

Наримон Умаров фарғоналик сайловчилар билан учрашди

Давоми. Бош 1-бетда

— Биз бор кучимизни олий ўқув юртлирининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтириб, уларнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодийёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мамлакат таълим тизимининг мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ниятидамыз, — деди Н.Умаров. — Биз фундаментад илм соҳасини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, илм-фан ва таълимга сармоялар, шунингдек, янги технологиялар киритиш тақлифини берамиз. Бу жараёнда олимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг самарали ижодий фаолиятини яхшилаш муҳим вазифа бўлади. Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчиларга долзарб билим ҳамда кўникмаларни сингдириши ҳам биз учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун таълим стандартлари ва ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишлари меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда, мунтазам баҳолаб борилиши керак. Шунингдек, биз қисқа муддатли хусусий касб таълимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдоримиз, чунки бу тизим меҳнат ресурсларининг иш берувчи талабларига тез мослашиш имкониятини яратди. Меҳнат билан бандликка кўмаклашувчи расмий ташкилотлар тезлаштирилган таълим ва ишсизларни қайта малакалашга ихтисослаштирилган тизимга айланиши лозим.

Президентликка номзод учрашув иштирокчиларининг ўз сайловолди дастури, таржimai холи, ҳудудни ва умуман, республикани ривожлантиришга доир қўллаб-саволларига жавоб қайтарди. Қизилқарми мулоқот давомида, айниқса, номзоднинг дастурида илгари сурилган миллий кадрларимизга асосланган социал-демократик гоялар учрашув иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

Хусусан, Қўқон туризм ва сервис касб-хунар коллежи директори Мухайё Қодиров ва дунёда кўпчилик социал-демократлар "Ижтимоий ва гуманитар соҳаларни янада демократлаштириш — аҳоли фаровонлигининг асоси" деган гояни илгари суришини таъкидлаган ҳолда "Ўзбекистондаги социал-демократлар етакчилиги сифатида, қолаверса, жорий Президентлик сайловида рўйхатга олинган номзод сифатида, айтинг-чи, бундай гояни амалда бажариш учун қандай таъминловларни илгари сурмоқчисиз?" — деб сўради.

Н.Умаров мазкур саволга жавобан қайд этганидек, ҳар қандай партия ўз гоявий йўналишига ва ижтимоий базасига эга бўлади. "Адолат" партияси танлаган йўл ҳам ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорликка асосланувчи сиёсий йўналишидир. Сайловолди дастурида дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган ва тан олинган социал-демократик гояларнинг ўзбекана кадрларимиз, миллий ўзига хослигимиз, халқимизнинг менталитетига уйғунлашган ҳолда ифода этилганлиги жаҳондаги мавжуд социал-демократик партиялардан фарқи эканлигини кўрсатади. Шу маънода, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юртимизда яшаётган миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув ва ахил ҳаёт кечири-



ши, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни ҳимоя қилиш, инсон манфаатларини ҳар нарсадан устун деб билиш, ижтимоий адолат таъминловларига изчил риоя этиш каби инсонпарвар гоялар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг мафкуравий негизини ташкил этади.

Шунингдек, Н.Умаров Фарғона вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига тугган роли ҳамда ушбу жараёнда меҳнаткаш ва бунёдкор фарғоналикларнинг фидойилик ва матонатлилик фазилатларини эътироф этди. Ўз навбатида ушбу ҳудудда Ўзбекистон "Адолат" СДП хайрихоҳлари кўп эканлигини таъкидлади.

— Азалдан маърифат-маънавият, юксак маданият ўққларидан бири бўлиб келган Фарғонада бугунги кунда қўллаб-саволларимиз социал-демократиянинг инсонпарвар гояларига ишонч ва садоқат билан қараб, партиявий ишларда уюшқоқлик ва фаоллик намуналарини кўрсатиб келмоқдалар. Партияимизнинг ёрқин гоялари, дастурий мақсад ва вазифаларининг ҳаётга татбиқ этилиши инсон манфаатларига хизмат қилишни чуқур ҳис қилаётган хайрихоҳларимиз вилоятда кўпчиликни ташкил этади. "Адолатчи" фаоллар, хотин-қизлар ва ёш маслакдошларимизнинг вилоят аҳолиси ўртасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси мавқеини тобора мустаҳкамлаш, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз амалий ишлари орқали уларнинг ишончига кўпроқ сазовор бўлишга қатъий интилаётгани ижобий самаралар бериб келмоқда, — деди Н.Умаров.

Тадбирда "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги депутатлар гуруҳи раҳбари М.Салимова, халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати Ш.Аббосова, Қўқон давлат педагогика институтининг доценти Г.Самидвалиева ва бошқалар Наримон Умаровни қўллаб-қувватлаб сўзга чиқди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайловчиларни "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровга овоз беришга чакиради!

Ориф ЎЛМАСОВ,
«Adolat» мухбири

Давоми. Бош 1-бетда

Лойихада шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари устуворлиги, текшириш ҳамда уни амалга ошириш ташаббуси мақсадга мувофиқлигининг мутаносиблиги таъминловларига киритилган бўлиб, улар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Тақлиф этилаётган қонун лойихасига тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча текширишларини (жиноий ишлар бўйича текширишлар ҳамда қўшимча келишувларсиз текшириш ўтказиш ҳоллари бундан мустасно) махсус ваколатли орган билан келишиб олиш тўғрисидаги муҳим норма киритилмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча кафолатларни таъминлаш мақсадида лойихада текширув ўтказиш ваколатига эга бўлган назорат қилувчи органлар рўйхатини бериш назарда тутилмоқда.

Қонун лойихаси билан жорий этиладиган ягона амалиётга кўра текшириш натижаларини расмийлаштириш, текширишларни қайд этиш қитобини юритиш ва тўлдириш тартиби ўрнатилиб, бу текширув фактлари ва натижалари қайд этиб борилади.



Акmal БУРХОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси:

— Миллий қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ишончли ҳуқуқий қаролатларини таъминлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Жумладан, хусусий секторга кенг эркинлик бериш, бюрократик гояларни бартараф этишга оид бир қатор муҳим меъёрларнинг амалиётга татбиқ этил-

гани натижасида рухсат берилган тартиб-таомиллари кескин қисқартирилди.

Шунга қарамай бугунги кунда тадбиркорлар манфаатини йўлида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини замон талабидан келиб чиқиб таъминлаштириш зарурати юзга келмоқда.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун лойихаси ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолияти давлат томонидан назорат қилинишини ҳуқуқий мувофиқлаштириш тизимидagi мавжуд нуқсон ва камчиликлар ўрнини тўлдириб, улар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, бозор муносабатларини ривожлантириш, шунингдек, мамлакатда мазкур йўналишда амалда оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлidir.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши виждонан, қонунга риоя қилиб ишлаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувларни қисқартириш ҳамда улар фаолиятини назорат қилиш амалиётини такомиллаштириш, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилаётган текширувларнинг сифати учун масъулиятини ошириш имконини беради.

Партияимиз Сайловолди дастурида қонунларнинг мукамаллиги ва замон билан ҳамнафас бўлишини таъминлаш, уларни ҳаётга жорий қилиш механизмларини такомиллаштириш депутатлик корпусининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган.


Шу нуктаи назардан тақлиф этилаётган қонун лойихаси ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тартибини янада такомиллаштириш, тадбиркорларнинг қонуний фаолиятига аралашувларини янада қисқартириш, уларнинг ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш, умуман, соҳада қонун устуворлигини таъминлашга қаратилганлиги билан дастурий мақсадларимизга мосдир.

Қонун тартибидagi "Ўзбекис-

тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойихаси ҳам депутатлар томонидан биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойихасида назарда тутилган ўзгартишлар республикада амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислохотларнинг мантикий давомидир.

Қонун лойихасининг мақсади ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция қилинишни яратиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлигини ошириш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилашга қаратилган.



Улуғбек САМАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси:

— Бугун фракциядошларимиз томонидан муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойихасига мувофиқ "Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги ва "Мувофиқлиги баҳолаш тўғрисида"ги қонунларга давлат қизматларини кўрсатиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатидан таъсис ҳужжатларини чиқариб ташлашни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш тақлиф этилмоқда.

Қонун лойихаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклик ва ошқораликни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амал-

га оширишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилганлиги билан ҳам партияимиз дастурий мақсадларига мос келади. Шу сабабли қонун лойихаси фракциядошларимиз томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Шунингдек, йиғилишда "Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойихаси фракция аъзолари томонидан иккинчи ўқишда муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойихасининг мақсади мамлакатимиз аҳолиси орасида йод этишмовчилигини бартараф этиш, унинг салбий оқибатлари олдини олишга қаратилган.

Тақлиф этилаётган қонун лойихаси билан амалдаги қонунчиликка йодланган ош тузи ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солиш, аҳолини фақат сифатли йодланган ош тузи билан тўлиқ таъминлаш йўли орқали йод этишмаслиги касалликларининг олдини олиш ва камайтиришга оид нормалар киритилмоқда.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, партия аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда профилактика ишларини қучайтиришга устувор вазифа сифатида қарайди. Шу нуктаи назардан келажақ авлодининг, умуман, миллилатимизнинг интеллектуал, таълим ва касбий салоҳиятининг йўқолишига олиб келадиган салбий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилувчи мазкур қонун лойихаси партия Сайловолди дастурида илгари сурилган гоя ва мақсадларга тўла мос келиши фракция аъзолари томонидан эътироф этилди ва лойиха қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан депутатларнинг партия позицияси юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланган ва фракция нуктаи назари белгилаб олинди.

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Учрашув самимий руҳда ўтди

Давоми. Бош 1-бетда

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан сайловолди тарғиботини амалга ошириш учун барча сиёсий партияларга тенг ва бир хил шароит яратиб берилган бўлиб, сайлов кампанияси миллий ҳамда халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда олиб боришмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда сайловолди ташвиқотини энг замонавий шакл ва услубларда амалга оширмоқда ҳамда ташвиқот юритиш учун сиёсий партиядан кўрсатилган номзодга яратилган бир хил шароитдан, оммавий ахборот воситаларида тенг миқдордаги нашр майдонлари ва эфир вақтларидан унумли фойдаланмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатилган номзод Наримон Умаровга овоз беришга чакирувчи, ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланган баннерлар республикамизнинг шаҳар ва туманлари, чекка-чекка ҳудудларида бошқа сиёсий партиялар билан тенг миқдорда жойлаштирилган.

Ўзаро мулоқот ва самимий суҳбат руҳида ўтган учрашувда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси чекланган миссияси аъзолари партия марказий сайлов штаби вакиллари билан сайловга оид масалалар юзасидан фикр алмашишди.

Феруз ЖҲҲАЕВ,
«Adolat» мухбири

➤ Тараддуд

Сайловга қизғин тараддуд кўриладиган бу маскан журналистлар, халқаро кузатувчилар, сайловда биринчи марта иштирок этишга ҳозирланаётган ёшлар ва, умуман, юрт тақдирига, келажагига масъулият билан қараётган 2500 нафардан зиёд сайловчи учун доимо очик ҳамда ишончли ахборот манбаига айланган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд сайлов округининг Самарқанд давлат чет тиллар институтининг қошидаги 60-сайлов участкаси бу муҳим сиёсий жараёнга дахлдорликни чуқур ҳис қилаётган кишилар билан ҳомиша гавжум.

Ошқоралик ва халқчилик сайлов жараёнининг муваффақиятли ўтишидан далолатдир

Бу ерда ўтказилаётган ҳар бир мулоқот, учрашув, тарғибот-ташвиқот фуқароларнинг сайлов ҳақидаги сиёсий хабардорлигини қучайтиришга, уларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла-роқ англаб етишларига, мамлакатимиздаги сайловларнинг демократик хусусиятларини яна бир бор намоён этишга қаратилмоқда.

— Сайловга оид учрашувларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг узоқ муддатли кузатувчилари — Ива Каролина Сухонен ва Симус Францис Мартин ҳам бемалол иштирок этиб, ўз хулосаларини чиқаришмоқда, — дейди участка сайлов комиссияси раиси, Самарқанд давлат чет

тиллар институтининг профессори Рустам Шодиев. — Хатто сайлов участкасидаги она ва бола хонаси, бу ердаги жиҳоз ва ўйинчоқлар халқаро кузатувчиларнинг ҳавас ва эътирофига сазовор бўлди. Бу Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини бир белгиси, дейишди улар. Сайлов жараёнларидаги шаффофлик, халқчилик, номзодлар тарғиботи учун яратилган тенг шароит хорижликлар ва юртошларимиз томонидан бирдек эътироф этилаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Президентликка номзодларнинг тарғиботи холи, сайловолди дастури ва сайловга оид бошқа зарурий маълумотларнинг электрон базаси яратилганли-

ги, бевосита сайлов участкасида туриб округ ва Марказий сайлов комиссияларига мурожаат қилиш имконияти борлиги ана шу шаффофликнинг тасдиғидир.

Дарвоқе, 60-сайлов участкаси қадим Самарқанднинг иккита йирик маҳалласи — Қўқсарой ва Хўжа Юсуф маҳаллаларини ўз ичига олади. Бу ерда асосан олимлар, зиёилар, ҳунарманд, тадбиркорлар истикомат қилишди. Уларнинг фаол фуқаролик позицияси, сайловга муносабатини ҳар иккала маҳаллада бўлиб ўтаётган мулоқотлар жараёнида яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, Хўжа Юсуф маҳалласида тарғибот гуруҳи билан бўлиб ўтган учрашув чоғида сайловчилардан Тожихон Маърупова Президентликка номзодларнинг сай-

ловолди дастуридаги хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга йўналтирилган мақсад ва вазифалар билан қизикди. Фуқаро Пулат Бердиқулов эса қадим ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг сайёҳлик ва ҳунармандчилик маркази сифатида ривожланиш истикболлари ҳақида сўраб-суриштирди.

Демак, сайловнинг давлатимиз тараққиёти, ислохотлар жараёнида таъсири ҳозирданок чуқур идорқ этилмоқда. Самарқандликлар қадим шаҳардаги улуғвор янгиланишлар, бунёдкорликлар давом этишини чин дилдан исташаяпти. Бу эса сайловнинг муваффақиятли ўтишидан далолатдир.

Зоҳир ТҲҲАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

“Президент сайловида илк бор овоз бераман”

Сайлов юртимиз тараққиётида ҳар жиҳатдан муҳим сиёсий жараён, биз ёшлар ўз келажагимизни белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи ушбу жараённинг фаол иштирокчилари бўлишдек бекиёс имкониятга эгамиз. Шу боис, биз учун шарафли ва катта масъулият эканини тобора чуқур англаб етмоқдамиз. Бу йил мен ҳам Бош Қомиссияда белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, юртдошларимиз билан бир сафда туриб 29 март кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда муносиб номзодга илк бор овоз бераман.

Айни пайтдаги сайловолди жараёнларида биз ёшлар сиёсий фаоллик ва ҳуқуқий саводхонлигини намоён этишимиз лозим, деб ўйлайман. Айтиш жоизки, сиёсий партиялар томонидан "Мен Президент сайловида илк бор овоз бераман" акциясининг ўтказилаётганлиги ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишда катта ёрдам бермоқда.

Мазкур акция ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарашини ўстиришга хизмат қилаётганлиги диққатга сазовор. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари, акцияларда ёш сайловчиларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — сайловларга асло бефарқ эмасликлари яққол кўзга ташланган, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораёпти.

Ушбу лойихада қатнашганимдан сўнг сайлов жараёнининг моҳиятини чуқурроқ тушушдим. Баъзи кишиларнинг "менинг биргина овозим нимани хал қила оларди?" деган қарашлари буткул нотўғри эканини англаб етдим.

Зеро, ёшларнинг ўз фуқаролик бурчини бажариб, ушбу сиёсий жараёнда иштирок этиши юртимизда демократик жараёнларнинг янада мустаҳкамланиши, қонунлар устуворлигига эришиш ва, энг муҳими, халқ ҳокимиятини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳаматжон ҲАЙДАРОВ,
Тошкент темир йўл транспорти
касб-хунар коллежи ўқувчиси



Мамлакатимиз келажаги — инновацион иқтисодиётда ишончли вакиллар сайловолди тадбирларини ўтказмоқда

Давомий. Бошиқ 1-бетда

ХОРАЗМ. Партия номзодининг ишончли вакили, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мақсуд Қурбонбоев Гурлан туманидаги Вазир қишлоғида сайловчилар билан учрашди.

Мазкур учрашувда М.Қурбонбоев партия номзодининг сайловолди дастури, ундаги энг муҳим йўналишлар ҳақида батафсил сўз юритаркан, дастур ижроси мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилишини таъкидлади.

— Дастурнинг мазмун-моҳияти, тузилиши, устувор йўналишлари ҳамда унда илгари сурилган ғоя ва вазифалар Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий устувор вазифаларидан келиб чиққан, — деди М.Қурбонбоев. — Номзоднинг сайловолди дастурида келтирилганидек, инсон манфаатлари — олий қадрият. Биз асосий вазифамизни “Инсон — мамлакатнинг асосий бойлиги”, “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони”, “Адолат — ҳар бир инсон учун” тамойилларини кенг қўламда жамиятга жорий этишда кўрамиз. Биз аҳоли даромадларининг ошиши иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири, у тўлов қобилиятини кучайтириб, юксак самарали ишлаб чиқаришга рағбатлантиради, бу эса меҳнаткаш ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечиришини таъминлайди, деб ҳисоблаймиз.

Дехқонobod, Ўзбекистон, Вазир қишлоқларида сайловчилар иштирок этган ушбу тарғибот тадбирида “Қатарик” ҚВП мудири Алишер Наримоновнинг қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва маданий ятини ошириш, қишлоқ жойларда коммуникацияни ривожлантириш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш масалалари хусусида ишончли вакиллар берган саволи барча сайловчиларни қизиқтирди.

— Аввало, партияимизнинг Сайловолди дастурида ушбу масалаларга катта эътибор қаратилган, — деди М.Қурбонбоев — Хусусан, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳаллалар ичиндаги кўчаларни таъмирлаш ва

реконструкция қилиш, мавжудларини модернизация қилиш ва янги ижтимоий объектлар қуриш бўйича ишларни давом эттириш, қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш ва қайта қуриш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, қишлоқ жойларда коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича ишларни давом эттириш каби масалаларни биз ўз олдимизга аниқ мақсад қилиб қўйганмиз.

Тарғибот тадбирида ишончли вакил сайловчиларни тобора яқинлашиб келаётган сайлов кунинда Наримон Умаровнинг номзодини қўллаб-қувватлаб, унга овоз беришга чақирди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ишончли вакилнинг Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Чиноз туманларидаги учрашувлари ҳам сайловчиларнинг фаоллигига ўтди.

— “Адолат” СДП мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи меҳнаткаш инсон деб билади, — деди партия номзодининг ишончли вакили, Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Равшан Талипов. — Айни пайтда биз ўз ҳаёти ва ақллари ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр, машғулоти, этник келиб чиқиши ва этикоди, мулк ишончлидан қатъи назар, социал-демократиянинг энг муҳим кадрлари бўлган ҳаққонийлик ва ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги, шунингдек, бошқалар олдида масъулият қўйларига ўз қарашларини ҳамоҳанг деб биладиган жамиятнинг турли қатламларига мансуб фаол фуқароларга таниш мақсадида миз. Республикаимизда турли миллат вакиллари аҳил ва иноқликда фаровон ҳаёт кечириб, Ватанимиз ободлиги, фарзандларимизнинг ёрқин келажаги, мамлакатимиз иштиқбол учун мустақам ишонч ва эзгу мақсадлар билан интилоқда.

Ишончли вакил саноат тармоқлари кенг ривожланган Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида



инновацион технологияларни амалиётга изчил татбиқ этишнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди. Н.Умаровнинг сайловолди дастуридан ўрин олган энг муҳим йўналишлар хусусида атрофлича сўз юритиб, хусусан, мамлакатимиз келажаги — инновацион иқтисодиётда, янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қудратини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққиётига хизмат қилади, дея таъкидлади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутаты З.Эралиева, Ангрен кўмири саноати касб-хунар коллежи директорининг ўринбосари А.Сафаров, “Адолат” СДП Бўка тумани кенгаши раиси Т.Жўраев, Бекобод шаҳар саноат касб-хунар коллежи директори Э.Турсунов, Чиноз туманидаги “Пахтабод” МФЙ раиси А.Ҳайдаров, Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси “Саломатлик маркази” шифокори Б.Жонусов ва бошқалар партия номзоди сайловолди дастурининг муҳим жиҳатлари, унда илгари сурилган аниқ вазифалар, ғоя ва тақлифлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритдилар ҳамда сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақирдилар.

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши туманида сайловчилар билан бўлган учрашувда ишончли вакил, Ўзбекистон “Адолат” СДП Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Ахмедов номзоднинг дастурида жамия

ятда қонун устуворлигини таъминлаш, барча жабҳада ижтимоий адолат ўрнатиш, бошқарувда очиқлик, шаффофлик ва ўзаро тенглик, шу билан бирга, жамоатчилик назорати тамойилларини таъминлаш ғоялари илгари сурилганини айтди.

Туман бандликка кўмаклашувчи марказ бошлиғи ўринбосари Муртоз Жумаев, партия фаоли, Бешкент шаҳридаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Раҳмат Номозов ва бошқалар дастурда мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганлигини инобатга олиб, қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш борасида муҳим вазифалар белгиланганлигини эътироф этдилар.

Тадбирда ижтимоий-иқтисодий турмушнинг турли соҳаларига оид саволлар ўртага ташланди. Хусусан, 9-мактаб директори Шахноза Маматкулова, Юқори Бешкент маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Шўҳрат Норқобилов, тадбиркор Фахриддин Қамаров ва бошқалар юрт ободлиги, қишлоқлар тараққиёти, тиббий хизматни тақомиллаштириш, транспорт хизматини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги ҳали ечимини кутаётган муаммоларга ишончли вакилнинг муносабати билан қизиқдилар. Ўз навбатида, ишончли вакил номзоднинг дастуридан ўрин олган мақсад ва вазифалар — иқтисодиётдаги юксалишлар

натijasини ижтимоий ҳаётни фаровонлаштиришга йўналтириш, инновацион технологияларни қишлоқ ҳўжалигига кенг жорий этиш, сиёсий партиялар ва нодавлат, жамоат ташкилотларининг назоратчилик функциясини кучайтириш орқали муаммоларга ечим топиш мумкинлигига сайловчилар эътиборини қаратди. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси учун электр энергияси ишлаб чиқаришнинг мўқобил лойиҳаларини кенг қўллаш, янги ижтимоий объектлар қурилишида энергияни тежайдиган, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг имконини берадиган инновацион тизимларни жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

А.Ахмедов Президентликка номзоднинг асосий мақсади Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилувчи дастурлар тайёрлаш, баркамол авлод тарбияси йўлида хизмат қилишдан иборат эканлигини алоҳида қайд этди.

Ишончли вакилнинг Қарши шаҳридаги “Ёшлар маркази” ва Косон туманидаги педагогика иқтисодиёт коллежидagi тарғибот тадбирлари ҳам жўшқин мулоқотлар, қизгин савол-жавоблар остида ўтди. Муҳими, барча учрашувларда партия ғоялари билан таниш юзлаб фуқаролар ва хайрихоҳлар, кенг жамоатчилик вакиллари фаол қатнашиб, сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам баён қилишмоқда.

СИРДАРЁ. Ишончли вакилнинг Гулистон шаҳри ва Мирзаобод тумани сайловчилари билан бўлган учрашуви ҳам жонли мулоқот, самимий фикр алмашув тарзида ўтди. Мазкур тарғибот тадбирларида ишончли вакил Мавлуда Алтмишева партия номзодининг сайловолди дастуридаги ҳар бир йўналиш бўйича тахлилий фикр-мулоҳазаларни баён қилди.

— Хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш асосий вазифалар сирасига қиради, — деди ишончли вакил М.Алтишева. — Хотин-қизларни давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига жалб қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда иштирок этиш учун хотин-қизларга янада кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш биз учун жуда муҳимдир. Албатта, юқори билим ва малакага эга, ташаббускор аёлларга кенг имконият яратиш, шубҳасиз, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида алоҳида ўрин тутди. Аёллар интеллектуал салоҳияти ва ҳуқуқий маданиятини оширишга эътиборни кучайтириш ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бундан ташқари, партияимиз аёлларнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаоллигини ошириш мақсадида

уларга ажратиладиган микрокредитлар миқдорини янада кўпайтириш каби ғояларни илгари сурмоқда. Микрокредитлар хотин-қизларнинг кўпгина муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари учун муҳим восита ҳисобланади.

— Номзоднинг дастурида жамиятимиздаги барча ижтимоий қатламлар қаторида хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги демократик қадриятлар ва замон талабларига мутаносибдир, — деди Мирзаобод туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты Каромат Эргашева. — Хусусан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлашга йўналтирилган вазифалар ижроси хотин-қизларнинг жамиятимиздаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

Учрашувларда ишончли вакил ва партия фаоллари сайловчиларни партия номзоди Наримон Умаровга овоз беришга чақирдилар.

ШУНИНГДЕК, НАВОЙИ, ФАРҒОНА вилоятларининг бир қатор шаҳар ва туманларида ҳам Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашдилар. Партия номзодини кенг тарғибот этиш мақсадида уюштирилаётган мазкур тадбирларда сайловчилар Н.Умаровнинг сайловолди дастури билан батафсил танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдираётгани фуқароларда партия номзодининг позицияси, сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишларнинг ҳаётини аҳамиятига фаол муносабатда эканлигини намоён этмоқда.

Ушбу тарғибот тадбирларида партия номзодининг ишончли вакиллари сайловчиларни жорий йилнинг 29 март кунини ўтказиладиган сайловда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка кўрсатилган номзод Н.Умаровни қўллаб-қувватлаб, унга овоз беришга чақирдилар.

Дилором МАТКАРИМОВА,
Комил САХАТОВ,
“Adolat” мухбирлари

Миллий ва халқаро кузатувчилар иштироки

сайловнинг адолатлилиги, очиқлиги ва шаффофлигини кўрсатади

Давомий. Бошиқ 1-бетда

Сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатлардан бири БМТнинг 2005 йил 27 октябрдаги **Сайловларни халқаро кузатиш принципларининг декларацияси** ҳисобланади. Декларациянинг 6-бандига мувофиқ, сайловларни халқаро кузатиш сайлов ўтказиладиган мамлакат аҳолиси манфаатлари ва халқаро ҳамжамият манфаатларига мувофиқ амалга оширилади. Кузатиш бевосита жараёнинг ўзига йўналтирилиб, овоз беришнинг мунайян натижаларига тегишли эмас. Кузатувни амалга оширишда ёки сайлов жараёнига оид хулосаларни тақдим этишда аниқлик ва ҳолислик тамойилларига амал қилишга ҳалал берувчи қандайдир сиёсий, иқтисодий ёки бошқа манфаатлари бўлган бирон-бир кишини сайловларни кузатиш бўйича халқаро миссия таркибига киритиш мумкин эмас. Ушбу талабларга узоқ муддатли кузатувни амалга оширадиган кузатувчилар томонидан узоқ муддатли даврларда, шунингдек, сайловни ўтказиш кунини кузатиш қисқароқ даврлар мобайнида самарали ривож этилиши шартлиги белгиланган бўлиб, бунда ҳар бир давр кузатувчилари олдида муқтадил ва ҳолисона таҳлил қилиш бўйича аниқ вазифалар қўйилади. Сайловни кузатиш бўйича халқаро миссиялар сайлови кузатиладиган мамлакат ҳукумат органларидан ҳар қандай

молиявий ёки моддий ёрдам олиши тақиқланади, сабаби бундай манфаатдорликлар томонларнинг жиддий ниятига сабаб бўлиши ёки миссиялар хулосалари ҳолислигига нисбатан ишончга путур етказиши мумкин.

Миллий сайлов қонунчилигимиз Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг 154-сессиясида Парижда 1994 йил 26 мартда қабул қилинган **Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларация**, ЕХТД/ДИИХБнинг **Сайловларни кузатиш бўйича қўлланмаси**, МДХда иштирок этувчи давлатлар Парламент Ассамблеясининг **МДХ халқаро кузатувчилар учун сайлов ва референдумларни кузатиш бўйича тавсиялари** каби халқаро ҳужжатлар нормаларига тўлиқ мувофиқ келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маълумки, рўйхатга олинган номзодларни кўрсатган сиёсий партиялардан ҳар бири кузатувчиларни тайинлаш ҳуқуқига эга. Сиёсий партиялар ўз кузатувчилари ҳақида сайловга камида ўн беш кун қолганида марказий органи орқали округ сайлов комиссияларига маълум қиладилар. Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотлардан ариза олганидан кейин беш кун мобайнида кузатувчи учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги мандатни беради. Кузатувчининг мандати кузатувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинганда ҳақиқийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги кузатув овоз бериш кунинда участка сайлов комиссияси иш бошлаган пайтдан бошлаб овоз бериш натижалари ҳақидаги баённома қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабардан кейин тугалланади.

Шу ўринда савол туғилади? Ҳўш, ушбу кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга, уларга қандай ҳаракатларга йўл қўйиш мумкин ёки тақиқланади? Муштарийларимизни қизиқтирадиган бу каби саволларга жавоб излаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий вебсайти — www.elections.uz га мурожаат қилиш ва сайтнинг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар” бўлимида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрдаги 661-сонли қарори билан ўзгартириш киритилган **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этувчи кузатувчилар учун Эслатма** дан тегишли жавобларни топиш.

Эслатмада келтирилишича, кузатувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича ўтказиладиган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида иштирок этиш;

- сайлов участкаларида ҳозир бўлиш ва тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сай-

лов қутиларининг жойлаштирилиши ҳамда муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенлари берилишини кузатиш;

- овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссияси баённомасини тузиш пайтида ҳозир бўлиш;

- сайлов натижалари ҳақидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраб олиш;

- агар сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун бузилган деб ҳисоблаш учун асос мавжуд бўлса, ўз кузатувлари ҳақида юқори турувчи сайлов комиссиясига хабар бериш.

Кузатувчилар куйидагиларга ҳақли эмаслар:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яшарин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

- сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

- бирон-бир сиёсий партия, номзодга нисбатан мойиллигини намойиш қилиш;

- ўз мақомидан сайловнинг боришини кузатиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиш;

- сайловчилардан улар қимматини ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- участка сайлов комиссиясининг

фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашши.

Кузатувчиларга куйидагилар тақиқланади:

- сайлов комиссияси ишига ҳалақит берадиган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- сайловчилар ўртасида сайловолди ташвиқотини олиб бориш;


- тегишли сайлов комиссияси томонидан қарор қабул қилишда иштирок этиш;

- сайловчиларга сайлов бюллетенларини бериш;

- сайлов бюллетенларини олишда сайловчи ўрнига, шу жумладан, унинг илтимосига кўра имзо қўйиш, тўлдириш;

- сайлов бюллетенларини санаб чиқишда бевосита иштирок этиш.

Юқорида номи келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда кузатувчининг овоз бериш куниндаги фаолияти ҳам аниқ белгиланган. Яъни, овоз бериш кунини кузатувчи участка сайлов комиссияси биносига барвақт келиши, участка сайлов комиссияси раиси ва бошқа аъзолари билан танишиши ҳамда уларга ўзининг шахсини ва ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатиши керак. Сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда кузатувчи қонунга асосланган комиссия раисининг эътиборини бу ҳолатга қаратиши ва қонунбузилишларнинг олдини олишни талаб қилиши лозим, агар бунга жавоб бўлмаса, йўл қўйилган қонунбузи-



лиши ҳақида зудлик билан шикоят ёзиши ёки далолатнома тузиши зарур.

Кузатувчи ўз ишини тугатганидан кейин бўлиб ўтган сайлов жараёни сайлов қонунчилигига қанчалик мувофиқ бўлганлиги тўғрисидаги ўз таассуротлари ва хулосалари баён этилган қисқача ҳисобот тайёрлаши керак. Бунда кузатувчининг баҳолари аниқ далилларга асосланмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда бутун сайлов кампаниясининг шаффофлиги ва транспарентлигини таъминлаш, жамоатчиликни ўз вақтида унинг босқичлари ҳақида хабардор қилишда кузатувчилар институтининг иштирокини тўлақонли таъминлашга қаратилган барча ташкилий-ҳуқуқий асос тобора яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юксак даражада ўтказилишига имкон яратиши мукаррар.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Ҳудудий партия ташкилотларида

Инсонни улуғлаган ғоялар

бошланғич ташкилотлар фаолиятида акс этмоқда



➤ БПТ — партия таянчи

Навобий эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги "POLIPROPILEN QUVURLAR" шўъба корхонаси қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотиде қирқ нафар маслақдошимиз бирлашган бўлиб, мазкур БПТ вилоятда етакчи ташкилотлар сафидан ўрин олган. Жорий йил бошида ташкил этилган ушбу БПТ аъзоларининг фидойилиги туфайли қисқа вақт ичида оёққа туриб, партиявий ишларда самарали фаолият кўрсатишга киришди.

Айни пайтда "POLIPROPILEN QUVURLAR" шўъба корхонасига ташаббускор сафдошимиз, халқ депутатлари Навобий вилояти Кенгаши депутати Мадия Сабитова раҳбарлик қилмоқда. Касб фаолиятида барчага ибрат кўрсатиш билан бирга партиявий ишларда жонкуярлик қилаётган маслақдошларимиз бу ҳудудда кўплаб хайрихоҳларимиз борлигини таъкидлашди.

— Ҳамкасбаримизни "Адолат" сафига жалб этишда партия ғоя ва мақсадларининг мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар ёрдамида атрофича тушунтириш яхши самара бермоқда, — дейди Мадия Сабитова.

— Партиямиз Сайловолди дастурида қишлоқ ҳўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда ин-фратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам ҳамкасбаримизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган "POLIPROPILEN QUVURLAR" шўъба корхонасида 52 нафар ишчи ҳалол меҳнат қилмоқда, уларнинг ҳар бири ўз ишининг фидойисидир. Ушбу корхонада даромад йилдан-йилга ортаётгани иш-

чиларнинг фаровон ҳаёт кечириши, уларнинг яшаш шароитларининг тубдан яхшиланишида ҳам аққол намоён бўлаётир. Буни корхонадаги бир неча ишчининг намунавий лойиҳа асосида янги қурилган уйлар билан таъминлангани, ушбу уйларнинг бошланғич ҳамда якуний бадаллари корхона томонидан тўланаётганлигида кўриш мумкин.

— Кўплаб партиядошларимиз хизмат қилаётган корхонамизда ишчиларга бундай имкониятлар яратилганлиги "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастуридаги иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, ҳодимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ҳодимларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга доир илгари сурилган таклиф ва ғояларнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир, — дейди корхона иш юритувчиси, БПТ раиси Фехруз Мардонов.

Мазкур корхонада замонавий юқори технологияли иш-

лаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар хомашёси Жанубий Кореядан келтириляпти. Корхонада ишлаб чиқарилаётган полипропилен қувурлар ва уларнинг улаш қисмлари истеъмолчилар эҳтиёжи учун жуда зарур, сифатли ҳамда харидорғир маҳсулотлар сирасига қиради. Ҳар хил ўлчамли ва диаметрли полипропилен қувурлар асосан иссиқ ва совуқ сувдан фойдаланишда ишлатишга мўлжалланган.

Корхонада маънавият хонаси ташкил этилган бўлиб, сафдошларимиз маънавият соатларида жиддий масъулият билан иштирок этмоқдалар.

БПТ аъзолари ҳудуд аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, айниқса, сайлов кампанияси қизғин давом этаётган шу кунларда сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида фаоллик кўрсатишмоқда.

— Бундай тарғибот тадбирлари нафақат кишиларнинг сиёсий онги ошишига ёрдам

беради, балки фуқароларнинг ўз иш фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, — дейди Фехруз Мардонов. — Чунки мамлакатимиз тараққиёти, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда ҳар бир инсон ўзи ҳам иштирокчи эканини чин дилдан англаши уни яна ҳам самаралироқ меҳнат қилишига ундайди, буни биргина бизнинг жамоамиз мисолида ҳам айтиш мумкин.

БПТ аъзоларининг жорий йилнинг 29 март кунини бўлажак сайловда фуқароларнинг чуқур масъулият ҳисси билан астойдил иштирок этиши мақсадида олиб бораётган тарғибот фаолияти ҳам эътиборга молик.

Муҳими, бошланғич партия ташкилоти "Адолат" СДПнинг социал-демократия ғояларини ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш орқали хайрихоҳларимиз ва сафдошларимизнинг кўпайиши ҳамда ҳудудда партиямиз обрўсини оширишга астойдил интилоқдалар.

Обид ТУРБОВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қазма тумани кенгаши
мутахассиси



Ўзбекистон "Адолат" СДП хабарлари

Беруний туманидаги 70-умумтаълим мактабиде Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб, "Ўзбекнинг оқила аёли" деб номланган маънавий-маърифий кеча ўтказилди.

ЎЗБЕКНИНГ ОҚИЛА АЁЛИ

Унга ёши улуг мураббий онахонлар, қишлоқнинг пешқадам мулкдор аёллари, "Қамолот" ЁИХда фаоллик кўрсатаётган қизлар таклиф қилинди. Кечада сўзга чиққанлар мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақ топишида хотин-қизларнинг муносиб иштироки, муҳтарама аёлларнинг барча жабҳаларда фидойилик кўрсатаётгани ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

— Ўзбек аёлининг қалб дунёсини жаҳон адабиёти минбаридан туриб нафис бадий сўзга изҳор этган Зулфияхоним асарларидан саҳналаштирилган кўринишлар адабий кечага алоҳида мазмун бахш этди, — дейди мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулзий Ражабова.

Маънавий-маърифий кечада янраган шеърлар, дostonлардан парчаларда кўкларнинг ҳаётбахш нафаси, баҳор нашилдаси сезилиб турди.

Ҳаётбек ҚҲҶҚОРОВ,
"Адолат" муҳбири

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Марғилон туғуруқ комплексиде ушбу туғуруқхона қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи, Ёзёвон, Олтиариқ, Риштон туманлари тиббиёт ҳодимлари ҳамкорлигида "Репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш йўлида" мавзуда семинар ўтказилди.

Тиббиёт ҳодимлари, аёллар, маҳалла фаоллари, ёш оналар иштирок этган мазкур талбирда соғлом турмуш тарзи, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, тиббий қўриқдан ўтишнинг ҳаётий аҳамияти каби мавзуларда батафсил сўз юритилди. Мутахассисларнинг кўргазмали слайдлар ёрдамида тиббий тушунтиришлари орқали аёллар репродуктив саломатлиқни асраш усуллари ҳақидаги зарур билимларга эга бўдилар. Талбирда йиғилганлар мавзуларга доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Марғилон туғуруқ комплекси бош шифокори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи раҳбари М.Салимова ўзаро ҳамкорликда аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган бундай талбирлар партиямиз дастурий вазифаларини амалга оширишнинг бир йўли эканини таъкидлади.

— Бугунги семинарда соғлом турмуш тарзига амал қилишимиз ортда нафақат ўзимиз, балки биз бунёд этган онланинг келажаги, фарзандларимиз етуқлигига жавобгарлик масъулияти турли янада чуқурроқ англадим, — дейди ёш оналардан бири Д.Мелиева.

Семинар давомида шифокорлар томонидан вилотимизнинг чesка ҳудудларида ҳам репродуктив саломатлик масалаларига бағишланган шундай талбирлар ўтказишни давом эттиришга келишиб олинди.

Қомила ИСРОИЛОВА,
Фарғона вилояти

Ваколатлар кенгайиб, масъулият ортди

➤ Депутатлик гуруҳи

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ислохотларнинг жадаллашуви, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бош мақсадларидан саналади.

Сиёсий партиялар фаолиятига доир қонунчилик асослари, хусусан, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун партиямиз учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Албатта, мазкур қонун асосида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ваколатлари кенгайганлиги ишмизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

Халқ депутатлари Китоб тумани Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз аъзолари ушбу қонун талабларидан ҳамда партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аниқ режалар асосида иш олиб бормоқдалар. Туманимизда ўтказиб келинаётган турли сиёсий талбирларда иштирок этиб, "Адолат" СДПнинг ўз стратегияси, мақсад ва ғояларини ҳаётга татбиқ этиш сари ҳаракат қилаёلمиз. Турли мавзуларда жойларда мунтазам ўтказиб келинаётган анжуман, учрашувлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсиб, ўзгармоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, халқ депутатлари туман Кенгашида бир неча йилдирки, партиядан сайланган депутатлик гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Янги депутатлик гуруҳимизда халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида ташаббуслар билан чиқиш, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган муҳим масалаларга давлат ҳокимияти органлари эътиборини қаратиш борасида муайян тажриба тўпланган. Ҳозирда депутатлик гуруҳимиз аъзолари "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан зарур таклифлар билан чиқиш борасида иш олиб бормоқда.

Депутатлик гуруҳимиз аъзолари ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни доимий таҳлил этиб, тегишли баҳо бериш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастур ва таклифларни дадил кўтариб чиқмоқдалар. Ҳаким Олимов, Яшин Тошев, Муқаддас Муродова, Қомил Хуррамов, Бахриддин Эгамбердиев каби депутатларимиз сайловчилар олдидаги бурч ва масъулиятларини чуқур ҳис этган ҳолда ишчанлик руҳида фаолият кўрсатишмоқда.

Учрашувларда энг кўп саволлар қонунлар соҳага оид бўляпти. Демак, одамларни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этишда бизнинг алоҳида эътиборимиз, фаол ва ташаббускорлигимиз талаб этилмоқда. Ўз ваколатларимиздан фойдаланиб, фуқаролардан гуруҳимиз номига келиб тушаётган аризаларни ўз вақтида ижобий ҳал этишга муносиб ҳисса қўшаямиз. Бу билан партиямизнинг нуфузи ортаёпти. Масалан, шу йилнинг ўтган январь, февраль ойларида фуқаро Равшан Аликулов гуруҳимиз номига электр энергиясида учрайдиган баъзи муаммолар хусусида ариза билан мурожаат қилди. Ушбу муаммо депутатларимиз аралашуви билан ўз ечимини топди. Шунингдек, фуқаролар Зубайда Юнусова, Мухаббат Азизовалар ҳам партиямиз туман кенгашига томорқа олишда ёрдам беришларини сўраб қизилан мурожаатлари партия кенгаши аъзолари ва депутатларимиз ҳозиржавобликлари туфайли ижобий ҳал этилди.

Айни кунларда партиямиз фаоллари ва депутатларимиз ташаббуси билан Севаз қишлоғидаги маҳаллалар ички йўлларини таъмирлаш ва "Мавлоно Ҳўжаилмкони"

зиёратгоҳини ободонлаштириш, 81-мактаб ҳовлисида зарур таъмирлаш ишларига ҳомийларни жалб этган ҳолда қатор лойиҳалар устида ишлар олиб бориляпти.

Туманимизда партия фаоллари ва депутатларимиз саъй-ҳаракати билан ҳозиргача 10 га яқин талбиркорлик шохбчалари ташкил этилди. Кунини кеча эса депутатлик гуруҳимиз аъзоси Ҳаким Олимовнинг бевоcита кўмаги туфайли Севаз қишлоғида "Зарипов Бунёд" номи талбиркорлик шохбчаси ишга туширилиб, аҳолига турли йўналишда хизмат кўрсата бошлади. Умуман, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айни кунларда партия фаоллари ва депутатларимиз зиммасида янада катта масъулиятли вазифалар турибди. Партиямиз дастурий ғоялари, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, бошқарув идоралари олдида долзарб масалаларни қўйиш, юзгага келган муаммоларни халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари кун тартибига киритиш ва ижобий ҳал этиш маҳаллий Кенгашларга сайланган биз каби депутатлар фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳимиз аъзолари халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида сайловчилар томонидан билдирилган таклифлар асосида ижтимоий масалалар билан биргаликда туман ҳудудида учраб турадиган қонунбузарликларни бартараф этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қишлоқларда янги иш ўринлари очиб ҳисобига ижтимоий фойдалар меҳнатга жалб этиш, шунингдек, аҳоли орасида камқонлиқнинг олдини олиш ва фуқароларга кўрсатилаётган бепул тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш бўйича бир қатор таклифлар тайёрляймиз. Инсон манфаатларини ўзида акс эттирадиган бундай амалий ишлар халқ орасида "адолатчи"лар мавқеи ортисида ижобий аҳамият касб этади.

Шавкат РАҲМОНОВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Китоб тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари

Аёллар манфаатларини ҳимоялаш

партиянинг устувор вазифаларидан биридир

➤ Давра суҳбати

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах шаҳар кенгаши томонидан Жиззах педагогика институти қошидаги Сайилжой академик лицейида "Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш" мавзусида ўтказилган давра суҳбатиде партия фаоллари, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси мутахассислари, маҳаллалар фаоллари, аёллар, лицей ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этишди.

Талбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимли равишда олиб боришмоқда.

— Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқдалар. Улар фаол меҳнат ресурсларининг 46 фоиздан зиёдрогини ташкил этиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ўз мавқеига эгадирлар, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси Р.Тўйчиев. — Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда хотин-қизларга алоҳида имтиёз берилаётганлиги, яъни депутатликда номзод кўрсатишда 30 фоизли квотани жорий этилиши аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг кескин ўсишида муҳим

учун яратилган имкониятлар кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Д.Жўраева. — Партиянинг вилоят кенгаши томонидан ўтказилган "Оилавий талбиркорлик — оила даромадига кўмак", "Оила муҳим ижтимоий институтдир", "Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш фуқаролик жамияти тараққиётининг зарур воситаси" каби кўплаб талбирларда хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик соҳасидаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш, меҳнат бозорида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга эътибор қаратилиб, зарур ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Айниқса, қишлоқ жойларда аёлларнинг меҳнат ва яшаш, турмуш шароитларини яхшилаш, аёлларнинг ташаббускорлик қобилиятларини қўллаб-қувватлаш доимий диққат марказида бўлди.

Давра суҳбатиде йиғилганлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролини кучайтириш юзасидан бир қатор таклифларни ўртага ташлаб, галдаги вазифалар хусусида фикрлашиб олишди.

Жасур ҚАРШИЕВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Жиззах вилояти кенгаши
матбуот котиби



“АСАКА” БАНК — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Пойтахтимиздаги “Кўргазма савдо маркази” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банклар Ассоциацияси ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари “BANKEXPO — 2015” VIII миллий кўргазмасининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари, етакчи сўғурта, лизинг компаниялари ҳамда ахборот технологиялари компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотлар билан иштирок этаётган мазкур кўргазмада “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам фаол қатнашмоқда.

1995 йилда ташкил этилган “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки мамлакатимизнинг молиявий хизматлар бозорига шу йиллар мобайнида ўзининг етакчилик мавқеини сақлаб келаятган, капитал ва активлари ҳажми жиҳатидан Ўзбекистонда етакчи банклardan бири саналади. Ушбу нуфузли банк республикамиз иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан аяқдан ҳамкорлик қилишга интилган ҳолда, мулкчилик шакли ва фаолият кўламини қатъи назар, барча ҳўжалик юртувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча иқтисодий қатламларига хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Муассаса томонидан ҳар бир мижознинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қаратилмоқда.

Банк мунтазам равишда ўз таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мамлакатимиз молия бозоридagi иштирокини кенгайтириш бўйича фаол ишлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунда банкнинг ҳудудий тармоқ тизими республикамизнинг бутун ҳудудини қамраб олган бўлиб, мазкур тизим 26 филиал, 103 мини-банк, 553 жамғарма, махсус ва қўйма кассадан иборат.

Шуни айтиш жоизки, “Асака” банк хизматларидан фойдаланувчи ҳўжалик юритувчи субъектларнинг сони — 32,9 мингдан ортиди. Улар қатарига машинасозлик, аниқ машинасозлик ва асбобсозлик, металлургия ишлов бериш, кончилиқ, энергетика, қурилиш мажмуаси, пахта қайта ишлаш саноати, тўқимачилик саноати, доридармон ишлаб чиқариш, наشريёт, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш каби ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналар



ликлари саналмиш «Moody's Investors Service» ва «Fitch Ratings» томонидан қаторасига бир неча йиллардан бери «Асака» банк фаолиятига юқори рейтинг баҳолари берилмоқда, банк фаолияти «Барқарор» деб таъкидланмоқда. Бу эса «Асака» банкига бўлган ишонч ошиб бораётганлигидан, банкнинг барқарорлигидан далolat беради.

Нуфузли хорижий «Euromoney», «Global Finance» ва «The Banker» нашриётлари томонидан «Ўзбекистоннинг энг яхши банки» унвонига бир неча бор сазовор бўлганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Шу ўринда қуйидаги рақамларни

хўнамандчиликни ривожлантириш учун 9,3 миллиард сўм, таълим муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 8,8 миллиард сўм, имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси манбалари ҳисобидан 11,5 миллиард сўм, озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга 377,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Бунинг натижасида республикамиз ҳудудларида қўллаб янги иш ўринлари яратилди. Бу эса республикамизнинг барча ҳудудларида, айниса меҳнат ресурслари зич жойлашган ҳудудларда

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг зўрат муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳам самарали бўлмоқда. Ҳозирги кунда миллий ва хорижий валютада 60 турдаги омонатлар жорий қилинган бўлиб, омонатлари банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талабларига бинан нақд пулда таъминлаб берилмоқда. 2014 йилда 12 та янги омонат турлари очилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини кескин қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб бориладиган фаол ишлар натижасида аҳоли омонатлари қолдиги 2015 йил 1 январь ҳолатига 85,5 миллиард сўмга ўсди ва сўм эквивалентида 491,0 миллиард сўмни ташкил этди. Омонатчилар сони 50,0 минг нафарга ўсди ва жами 1 421,0 минг нафардан ошди. Бу эса аҳолининг банкка бўлган ишончи ошганлиги, бу борадаги ишлар тўғри ташкил қилинганидан далolat беради.

Банк пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришга қатъи эътибор қаратганлиги туфайли 2015 йил 1 январь ҳолатига 1457,9 минг донадан ортиқ пластик қарточкалар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони 151,2 минг донага ўсди, 9951 та терминал, 27 та шўъба ва 46 та инфокиоск ўрнатилди, 8338 та корхона ва ташкилотларда «иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилди.

Пластик қарточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда, 2014 йил давомида савдо айланмалари миқдори 1 163,1 миллиард сўмни ташкил қилди. «Асака» банкда ўрнатилган барча инфокиоск ва банкоматлар «Uz Paynet» тизимига алоқа бўлиб, мижозлар пластик қарта орқали барча коммунал хизматлар бўйича ва уяли алоқа учун тўловларни амалга ошириш, қайси

ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисиз амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қўлайликлар яратилган:

- тўловларни телефондаги USSD-сўровномаси орқали хоҳлаган телефондан (телефон марказидан қатъи назар) амалга ошириш мумкин;

- мижоз томонидан телефонга ҳеч қандай қўшимча дастурий таъминот ўрнатиш талаб қилинмайди;

- ҳисоб рақам телефонга эмас, балки мижознинг SIM-картасига боғланган, шунинг учун телефон ишламай қолган тақдирда SIM-картани бошқа те-

масаласини ҳал этиш, аҳоли даромадларини ва турмуш фаровонлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим ўрин эгалламоқда. «Асака» банк томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аънавий тарзда ҳар йили банкимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан



Мавжуд имтиёз ва имкониятлар Оролбўйи корхоналари иқтисодий рағбатидида муҳим омил бўлмоқда.

Нукус шаҳридаги «Табиий ичимликлар» масъулияти чекланган жамиятида дастлаб квас ишлаб чиқариш эди. Эндиликда асосан ёшлар меҳнат қилаётган корхонада «Асака» банкдан олинган кредит эвазига замонавий технологиялар ўрнатилиб, қадоласан тоза ичимлик суви ва яхна қой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Суратда: (ўндан) технолог Даврон Мусоев ва оператор Оралбой Қаландаров.

келтириб ўтсак. «Асака» банк жами активлари 2015 йил 1 январь ҳолатига 5 382,9 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 742,2 миллиард сўмга ўсди.

Банк жами капитали 110,7 миллиард сўмга ўсишига эришилди ва 801,7 миллиард сўмга етказилиб, кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми сўм эквивалентида 2 755,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг 2 203,9 миллиард сўм миқдоридagi қисми узоқ муддатли

хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этиш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, республикамиз аҳолисини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни янада яхшилашга, аёллар тадбиркорлиги, касаначилик ва хўнамандчиликни ривожлантиришга ҳамда янги иш ўринлари яратишда амалий аҳамият касб этди.

Шунингдек, банк томонидан қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалик корхоналарига молиявий қўмак бериш орқали агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш учун 134,0 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар қишлоқ ҳўжалигини турли русумдаги юқори умумий замонавий қишлоқ ҳўжалик техникалари билан таъминлаш, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла хомашёсини етиштириш, қорвачилик ва паррандчиликни ривожлантириш ва бошқа мақсадлар учун йўналтирилди.

Банк томонидан қишлоқ ҳўжалик корхоналарига моддий-техник базасини яхшилаш учун кредитлар ажратилиши ва улардан самарали фойдаланиши, ишларнинг мақсадага мувофиқ ташкил қилиниши натижасида фермер ҳўжаликларида иқтисодий барқарорлигига эришилмоқда.

Маълумки, иқтисодий ночор ва банкрот деб эълон қилинган корхоналар фаолиятини жонлантириш, уларга молиявий қўмак бериш ва шу орқали ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш иқтисодиётнинг янада ўсиши ва мустаҳкамланиши омилларидан бири саналади. Мазкур йўналишда ҳам «Асака» банк томонидан бир қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Жумладан, банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналарнинг 46 таси янги инвесторларга сотилди. Банкрот корхоналар негизда банкнинг 13 та шўъба корхонаси ташкил қилинди. Таъкид этилган банк корхоналарига 61,7 миллиард сўм миқдорда инвестициялар киритилди. Натижада 4 426 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкрот корхоналарда жами 389,6 миллиард сўм миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 50,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар экспорт қилинди.

Наргиза Наорузова, «Бандоши парранда» МЧЖ раҳбари:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаолияти тобора ошиб бормоқда. Ўз салоҳиятини намойиш этиш учун кенг имкониятлар, қўлайлик ва шарт-шароитлар яратилаётгани, айниса, қишлоқ ҳудудларида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани бизни руҳлантирмоқда.

Маълумки, бозорларимиздаги туқинлик, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўлқлиги ва арзонлиги фаровонлик кўрсаткичларидан бири саналади. Шу босе мен ҳам тадбиркорликка оид бизнес лойиҳа тузишда паррандчиликни ривожлантириш, аҳолига туҳум ва парҳез гўшт етказиб бериш мақсадини белгилаб олдим.

Шу ўринда бошланғич сармоя масаласидаги мурожаатимиз «Асака» банк томонидан ижобий ҳал этилди. Мен тақдим этган умумий қиймати 163 миллион сўмлик бизнес лойиҳам истиқболли деб топилиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Лойиҳамизни амалга ошириш натижасида ўнга янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

вакиллари мавжуд. Айни пайтда «Асака» банк хизматларидан фойдаланаётган жисмоний шахсларнинг сони 1 426,0 минг нафардан ортиди. 1,4 миллион нафардан зийд мижозлар банкнинг чакана хизматларидан мунтазам равишда фойдаланмоқда.

Қувонарлики, «Асака» банк ташки иқтисодий ҳамкорликнинг фаол иштирокчиси сифатида ҳам мамлакатимиз иқтисодининг стратегик соҳаларини ривожлантиришга бевосита хорижий сармояларни жалб этишга қўмаклашиб келмоқда. Бунга 350 дан зийд етакчи хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатилганида ҳам яққол кўриш мумкин.

«Асака» банк ўзининг халқаро майдондаги мақомига қатъи эътибор қаратади. Хусусан, банк доимий тарзда халқаро рейтинг агентликлари томонидан бир неча йиллардан бери юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлмоқда. Жумладан, жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агент-



Қорақўл туманидаги «Қумуш қалава» масъулияти чекланган жамияти «Асака» банкнинг Бухоро шаҳар филиалидан кредит олиб, тайёрланаётган қийим-кечак маҳсулотларини ўтказиб турга етказди. Корхона жамоаси асосан ёшлардан иборат.

Суратда: жамият ишчиси Манзураҳон Жўраева.

банк эмитенти бўлишидан қатъи назар, ўз ҳисоб рақамидagi пул маблағлари ҳолати бўйича маълумотларини олиш, пул маблағларини пластик қарточкаларга қўлаб олиш каби имкониятларга эга.

Шунингдек, ҳозирги пайтда «Асака» банк томонидан мижозларга UZCARD EMV (он-лайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган пластик қарточкалар тақдир этилмоқда. Ушбу пластик қарточкалар ёрдамида «SMS-TO-LOV» ва «UZCARD-CLICK» дастурий тизимлари орқали:

- барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни амалга ошириш;

- банк томонидан мижоз учун очилган ҳисоб рақамини бошқариш;

- жисмоний шахслар ўртасида пул

ган тизими»ни кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ҳозирда банк томонидан чиқарилган халқаро пластик қарточкалар сони 135,0 минг донадан ошди.

«Асака» банк жамоаси жорий йилда мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб бориши мақсад қилинган.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиб, бандлик

шугулланишларини янада рағбатлантиришга қаратилган турли номинациялар бўйича қўллаб-қувватлаш ўтказиб келинмоқда.

«Асака» банк жамоаси жорий йилда ҳам аънаваларни давом эттириб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни янада рағбатлантириш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида, хусусан, банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва Тошкент шаҳридаги филиалларида ҳисоб рақам очиб фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ бўлган қўллаб-қувватлаш лойиҳалари ўрганилди. Улар орасидан «Тимур баракат» агрофирмаси, «Global milk productions» ХК, «Исмоилжон Дилдоракон» ХК, «Сарман-Сурхон-Файзи» ХК, «Мирзаматов Тохиржон спорт сервис» ХК, «Дилрабо хизмат» ХК ва «Sulton Temurbek Yagona» хусусий корхоналари, «Бандоши парранда», «Очиқ парранда» ҳамда «Multi-Plast» МЧЖларнинг истиқболли лойиҳалари танлаб олинди.

Тақдим этилган турли йўналишдаги лойиҳаларни қўриб чиқишда асосий эътибор яратилаётган янги иш ўринлари сонига, ишларни, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларини ҳамда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, шунингдек, ички истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари, маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди.

Кичик бизнес субъектлари таркибидан аниқланган бизнес лойиҳалар банк филиаллари томонидан имтиёзли фозизларда молиялаштирилди.

Муҳтасар қилиб айтганда, «Асака» банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар қўлами тобора кенгаймоқда. Энг муҳими, банк қўмағида қўллаб-қувватлашда тадбиркорлик қобилияти шаклланиб, кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли хисса қўшмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун астойдил хизмат қилиш ўз фаолиятида фидойилик кўрсатаётган банк жамоасининг эзгу мақсадига айланган.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири Абдуғани СОДИҚОВ тайёрлади.

Qishloq Qurilish Bank

Юрт тараққиёти йўлида

САМАРАЛИ ЛОЙИХАЛАР — ҲАЁТГА

Мамлакатимиз пойтахтидаги «Кўргазма савдо маркаси» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкилотчилигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, Ахборот ва коммуникация масалалари қўмиталари, Ўзбекистон банклари, Ахборот технологиялари Ассоциациялари ҳамкорлигида бўлиб ўтаётган банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари «BANK-EXPO-2015» VIII миллий кўргазмаси юртимизда кенг қамровли фаолият кўрсатаётган молия муассасаларининг салоҳиятини ўзида тўла намоён этмоқда. Ушбу кўргазмада мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, йирик сугурта, лизинг ва инвестиция компаниялари ўзларининг энг янги технологиялари ва хизматлари, шунингдек, молия муассасалари учун ахборот технологиялари ишланмаларига ихтисослашган компаниялар ўз махсуслотларини намойиш этмоқдалар. Уларнинг орасида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ҳам янги технология ва хизматлари билан фаол иштирок этмоқда. Мазкур молия муассасаси томонидан «Кексаларни эъзолаш йили» Давлат дастури ҳамда «BANKEXPO» кўргазмаси доирасида шу йилнинг февраль ойида эълон қилинган танловга республикамиз ҳудудларидан бизнес лойиҳалар тақдим этилди. Жумладан, танловда интенсив бог яратиш, балиқчилик, чорвачилик, хонатлас ва адрас матолари ишлаб чиқариш, полиэтилен махсулотлари тайёрлаш, соғломлаштириш маркази ҳамда гўзаллик салонлари каби хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган 140 дан орტიқ лойиҳалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг орасидан 4 та номинация бўйича совриндорлар аниқланди.

Машраббой Қодиров, «Балиқчилик Машраббой ерлари» фермер ҳўжалиги раҳбари:

— Жаннатмонанд юртимизда бир-бирдан фойдалан витамин ва минералларга бой ўсимликлар олами мавжуд. Қолаверса, қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган ҳайвонот дунёси ҳам ўзига ҳослиги билан ажралиб турлади. Айниқса, ақсарият юртдошларимиз сув ҳавзалари ва кўлларида умр кечирадиган, дунёнинг барча гўшаларида севиб истеъмол қилинадиган жонот — балиқнинг фойдали жиҳатларини яхши билишди.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Андижон минтақавий филиалига туманда балиқчиликни ривожлантиришга оид бизнес-режам билан мурожаат қилинган аввал ушбу соҳани ривожлантириш учун юртимизда ва дунёда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва селекция-наследлик ишлари, озуқаларнинг замонавий рецептлари ва балиқчилик тармоғида жорий этиладиган замонавий технологиялар ҳақида чуқур ўргандим. Пишиқ ва пухта ўйланган бизнес-режам банк томонидан маъқуллаб, менга 68 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Айни кунларда туманимиздаги 8 нафар ўғил-қизларимиз учун янги иш ўрни яратилишига муваффақ бўлдим. Банкнинг молиявий кўмаги нафақат менга, менинг оиламга, балки ҳудудимизда балиқчиликни ривожлантиришга, ёшларнинг мўқим иш билан таъминланишига замин яратётганидан хурсандман.

Хусусан, «Узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда амалга оширилган энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича биринчи ўринга банкнинг Навоий минтақавий филиали мижози бўлган «Томчилаб сугориш замон талаби» ХК раҳбари, лойиҳа ташаббускори Ачил Якубов лойиҳа деб топилди. «Касб-ҳунар коллежлари» битирувчилари орасидаги энг оригинал лойиҳа» номинациясида бош соврин банкнинг Қашқадарё минтақавий филиали мижози саналган якка тартибдаги тадбиркор ҳамда лойиҳа ташаббускори Нуриддин Худойбердиевга топширилди. «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинациясида бош соврин банкнинг Марғилон филиали мижози саналган якка тартибдаги тадбиркор ва лойиҳа ташаббускори Мансуржон Мирзахановга топширилди. «Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида бош совринга банкнинг Поп филиали мижози саналган «Фотима Зухра Мамадалиева» МЧЖ раҳбари Дилдора Тўйчиевановга лойиҳаси лойиҳа деб топилди. Юқоридаги номинациялар бўйича 1-ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари «LED 32» маркали телевизорлар, 2-ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари замонавий ноутбук ва 3-ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари замонавий планшетлар берилди. Ҳолиблар кредит олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзли сертификатлар билан тақдирландилар.

БАНК САРМОЯЛАРИ — ЭЛ ФАРОВОНЛИГИГА

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштириш, банкнинг капиталлашуви даражасини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал секторини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига алоҳида эътибор қаратиб, кредитлар ажратиш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, банкнинг капиталлашуви даражасини ошириш, активлари ҳолатини янада яхшилаш, тўлов қобилияти ва ресурс базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар қўнғайтирилмоқда. Пировардига ҳисобот йили якуни бўйича банкнинг соф активлари умумий миқдори 2014 йил бошига нисбатан 40,1 фоизга ортиб, 3 466,6 миллиард сўмга етказилди. Активлар таркибида даромад келтирувчи активларнинг улуғи 91,8 фоизга етди.

Шунингдек, ҳисобот йили якунида банк умумий капитал 371,9 миллиард сўмга етди. Ушбу дарвада аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари 2014 йил бошига нисбатан 108,5 миллиард сўмга ортиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 620,9 миллиард сўмини ташкил қилди.

Ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йилда хорижий молия институтларининг маблағларини жалб қилиш ишлари фаол давом эттирилди. 2014 йилда банк томонидан Халқаро молия институтлари кредит линиялари орқали жалб қилинган маблағларнинг миқдори 86,6 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Ушбу маблағларнинг 98,6 фоизи — Осиё тараққиёт банки, 1,35 фоизи — Жаҳон банки Халқаро тараққиёт ассоциацияси ва 0,11 фоизи — Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро фонди ресурсларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг молия хизматлари бозорида тутган мавқеи ва фаолиятида қўлга киритилаётган ижобий натижалар хорижий рейтинг агентликлари назаридан четда қолгани йўқ. Хусусан, «Moody's Investors Service» нуфузли рейтинг компанияси томонидан банкнинг миллий валютасидаги узоқ муддатли депозитлари бўйича берилган В1 даражаси ҳисобот йили мобайнида сақланиб қолди. Барча рейтинглар истикболи «Барқарор» деб қайд этилган.

Банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадларига кредитлар ажратиш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, шу билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш каби банк тизими олдига қўйилаётган устувор вазифаларнинг амалий ижроси «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида тўғри йўлга қўйилаётганлиги боис «Aahor-Reyting» миллий агентлигининг маълумотларига кўра, 2014 йилнинг 9 ойи якунилари бўйича банк соф активларининг умумий ҳажми бўйича республика банклари ора-

лиард сўм миқдорида инвестиция кредитлари ажратилди.

Бугунги кунда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан кредитлашда нафақат миллий валютасидаги маблағлар манбалари, балки хорижий кредит линиялари ҳам кенг жалб қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига чет элдан энг замонавий ускуна ва технологияларни хорижий валютада сотиб олиш учун қўшимча қўлайликлар яратмоқда.

Жаҳон банки Халқаро тараққиёт ва тикла-ниш банкнинг кредит линияси маблағлари ҳисобидан 1,7 миллион АҚШ доллари, Жаҳон банки Халқаро тараққиёт ассоциациясининг «Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» кредит линияси маблағлари ҳисобидан 6,0 миллион АҚШ доллари, Хусусий секторни ривожлантириш Ислоҳ корпорацияси молиялаштириш линияси маблағлари ҳисобидан 11,0 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиш натижасида банк мижозларининг қўллаб-қувватлаш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

ҚИШЛОҚ ОБОД — ЮРТ ОБОД

Юртимиз қишлоқларида кўркам турар жойлар, замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш, ҳудудларни янада ободонлаштириш жараёнида «Қишлоқ қурилиш банк» ўзининг молиявий хизматлари билан фаол қатнашаётгани юртдошларимизнинг барча қўлайликларга эга бўлган уй-жойларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда алоҳида ўрин тупмоқда. Мазкур йўналишда 2014 йил учун тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк» иштирокида қурилиши молиялаштирилган уй-жойларга 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра жами 1 266,5 миллиард сўм, шундан 753,4 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредит маблағлари пудрат ташкилотларини молиялаштириш учун ўтказиб берилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» ташкил этилганидан буён ўтган 2009-2014 йиллар давомида банк иштирокида молиялаштирилаётган 39 720 та уй-жой қурилиши учун аҳолининг 1 772,5 миллион сўмдан зиёд маблағлари ҳамда марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан 2 585,3 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитлари йўналтирилганлигини қайд этиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур стратегик муҳим вазифани амалга оширишда қўллаб-қувватлаш халқаро молия институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2011 йилда Осиё тараққиёт банки томонидан жами 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги «Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар қуришни ривожлантириш» лойиҳасини қўллаб-қувватлаш дастури маъқуллаб ва бугунги кунда Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 362,4

Нуриддин Худойбердиев, якка тартибдаги тадбиркор:

— Исон борки, ҳаётда узоқ ва сермизум умр кўришни истайди. Узоқ яшаш учун эса соғлом турмуш тарзига амак қилиш, зарарли одатларга ружу қўймаслик, тўғри овқатланиш каби қондаларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ушбу қондаларга ҳамоҳанг равишда спорт билан шуғулланиш, баалантарбия қилишга одатланиш яхши натижаларга олиб келишини бугун қўнғилик яхши билади. Шу боис касб-ҳунар коллежини муваффақиятли тамомлашим билан туманимизда «Соғломлаштириш тренажёр зали»ни очиш ниятини дўстларимга, яқинларимга айтганимда, ҳаммаларни мени бирдек қўллаб-қувватладди. Албатта, янги иш бошлаган аввал яқинларимнинг руҳий-маънавий далласи кишига ўзгача куч ва тайрат бағишлайди. Бироқ бундай ишни моддий ёрдамсиз амалга ошириб бўлмасди.

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қашқадарё минтақавий филиалидан виллоятимиздаги ёшларга имтиёзли кредитлар ажратилаётганидан хабар топдим. Маслаҳатли бўлиб, деганларидек, ушбу муассасадан кредит олиб, тадбиркорликни кенг йўлга қўйган тенгдошларимдан кредит олиш тартибини билиб олдим.

Банкка зарур ҳужжатлар ва бизнес лойиҳам билан мурожаат қилишим ҳамоноқ менга 30 миллион сўм миқдоридаги кредит ажратилдиган бўлди. Банкнинг молиявий қўмағи ёрдамида зарур спорт инвентарларини сотиб олдим. 2 нафар тенгдошларимни иш билан таъминладим.

миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ўзлаштирилиб, уй-жойлар қурилишини молиялаштиришга йўналтирилди.

Умуман, 2015 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар, ташки муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ишлари қизгин бормоқда. Республикаси ҳудудларида 12 мингта уй-жой барпо этилди. Намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштиришда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ҳам фаол иштироки таъминланади.

ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР КўЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Ҳар бир молиявий муассасанинг молиявий барқарор ривожланиши, албатта, у орқали хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг салмоғи ҳамда кўрсатилаётган хизмат турлари сифатига бевоҳисита боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда, банк мижозлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, улар сафини иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётган.

Мижозларга янги хизмат турларини тақлиф этиш орқали банк хизматлари кўламини кенгайтириш, уларга сифатли ҳамда тезкор хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида, банк ин-



фратузилмалари тармоғи янада кенгайтирилди. Филиаллар сони 42 тани ташкил этгани ҳолда, ҳисобот йили якунига келиб, банкнинг чакана хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 240 тага етди. Халқаро валюта фонди томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, ҳар 100 минг катта ёшдаги аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони бўйича Ўзбекистон жаҳонда пешқадам давлатлар сафида бўлиб келаётганлиги ҳам беҳиз эмас, албатта.

Ўз навбатида, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб, банк томонидан 483 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатилаётганлиги мижозларнинг банкка бўлган ишончи янада мустаҳкамланаётганлигини далолат беради.

Ҳисобот йили давомида банк томонидан миллий ва хорижий валюталарда 36 тадан ортиқ қўлаб ва жозибадор янги омонат турлари амалга жорий қилиниб, йил якуниларига кўра, банк билан ҳамкорлик қилаётган омонатчиларнинг жами омонатлари қолдирини 2014 йил бошига нисбатан 31,3 миллиард сўмга ёки 130,0 фоизга ўсишга эришилди.

Аҳолининг бўш пул маблағлари банк айланмасига кўпроқ жалб қилиниши банк ресурс базасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга, мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашига хизмат қилади. Бу борада «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан олиб борилаётган ишларнинг эътиборга сазоворлигини ҳисобот йилида республика банклари ўртасида ўтказилган танлов натижаларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ушбу танловда «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки», «Йилнинг энг яхши мини-банки» ва «Йилнинг энг яхши жамғара махсус кассаси» номинациялари бўйича банк ва унинг айрим филиаллари ҳолиблар қаторидан ўрин олганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

«Қишлоқ қурилиш банк» томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кискарттириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини тақомиллаштириш борасида амалий

тадан, «SMS-банкнинг» бўйича эса 15 200 тадан ортиқ.

«Қишлоқ қурилиш банк» пластик карточкалар орқали хизмат сифатини ошириш ҳамда улардан, фойдаланишда янада қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Smart-Vista» ва «DUET» пластик карточкалари фойдаланувчилари учун «Мобил-банкнинг» тизимини жорий қилди. Бу тизимнинг асосий қўлайлиги шундаки, мижозларга ўз уяли алоқа телефони орқали пластик карточка ҳисобварағидан турли тўловларни амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда банкда ушбу хизмат турини янада тақомиллаштириш, «SMS-To'lov» ва «Click» тизимлари асосидаги тўловлар турини кенгайтириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг банк хизматларидан фойдаланувчи қатлами учун янада қўлайлиқлар яратиш мақсадида 27 та инфокиосклар жойлаштирилган. Ушбу инфокиосклар орқали бугунги кунда барча турдаги тўловлар, жумладан, коммунал, уяли алоқа операторлари ва интернет провайдерлари хизматлари учун 24 соат давомида тўловларни амалга ошириш имконияти йўлга қўйилган ҳолда ушбу инфокиосклар орқали 2014 йилда 1,0 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда транзакциялар ўтказилди.

Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида бугунги кунда банк филиаллари таркибига махсус жиҳозланган «ДАМАС» автоматшалари шаклида жами 29 та сайёр кассалар ташкил қилинган. Ушбу сайёр кассалар орқали ўтган ҳисобот йили мобайнида аҳолидан жами 24 099,0 миллион сўм миқдорда коммунал тўловлар қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, «Қишлоқ қурилиш банк» пластик карточкалари аҳоли учун қўлай, самарали ва ишончли тўлов воситасига айланмоқда. Бу эса келажақда мамлакат пул-кредит тизимини барқарор тараққий эттиришда муассаса ролини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

БАНК — 2015 ЙИЛДА

Банкнинг келгусидаги вазосий мақсади молия бозорида замонавий, рақобатбардош ва универсал банк сифатидаги ўз позициясини сақлаб қолиш, Ўзбекистон ҳамда хориждаги тегишли конъюнктуравий ўзгаришларга чидамли бўлган банк фаолиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Шунингдек, 2015 йилда банк иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида хорижий кредит линиялари, жумладан, Осиё тараққиёт банки, Ислоҳ тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағларини жалб қилишни янада жаддаллаштириш, мижозларга тақлиф этилаётган банк хизматлари тармоғини кенгайтириш ва сифатини ошириш орқали банкнинг корпоратив ва чакана мижозлари сонини қўпайтириш каби йўналишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Республикамизда нақд пулсиз тўловлар тизимини янада ривожлантиришда банкнинг иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида жорий йилда қўшимча 200 000 дона пластик карточкаларни муомалага киритиш ҳамда 1 250 дона терминалларни жойлаштириш, шунингдек, «on-line» режимида ишловчи «Smart-Vista» карточкалари билан ҳисоб-китоблар тизимининг барча имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Истикболдаги ушбу режаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга банкнинг муносиб ҳиссаси бўлади, деган умиддамиз.

Сирасини айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки халқимиз фаровон яшаш учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида янги имкониятларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бу эса банкнинг юртимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган илчил ислохотларнинг фаол ижроси сифатида эътироф этилишига хизмат қилади.

Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Ориф ЎЛМАСОВ тайёрлади.



2015 ЙИЛ 29 МАРТ, ЯКШАНБА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ



КУЧ — АДОЛАТДА!

Ўзбекистон
“Адолат”

социал-демократик
партиясидан номзод

Наримон Умаровга овоз беринг!



АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ

ҳаётимиз янада эркин ва фаровон бўлишига хизмат қилади

➤ Дунё бир қадам бўлди

Дунё ягона ахборот маконига айланган бугунги кунда жамиятни замон талабларига мос равишда ахборотлаштириш давр талабига айланган. Ҳар бир соҳа оммавий-коммуникация воситасида жадал ривожланмоқда. Буларнинг барчаси ўз навбатида жамият таракқиётида ҳам ғоят муҳим ўрин тутмоқда.

Хуқуқий демократик давлатнинг пойдевори, аввало, қонунлар билан мустаҳкамланиши лозим. Мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштириш масаласи ҳам айнан тегишли қонунлар билан амалга оширилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни 4-моддада ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистоннинг ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. Мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида халқимизнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўла-роқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг қўламда ривожлантиришга кўмаклашиш ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда ОАВ ривожини керакли барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Юртимиз истиқлолга эришганидан бун ҳалқимизнинг ахборотга бўлган ғоят катта эҳтиёжини қондириш борасида улкан вазифалар амалга

оширилмоқда. Мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, медиа-тизмаларнинг ривожини учун доимий равишда молиявий кўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Шунинг натижасида республикада оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар, хусусан, газеталар 2,5 баробар, журналлар эса 3,5 баробар кўпайди. Бугунги кунда (2015 йил 1 январь ҳолатига кўра) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 1395 та оммавий ахборот воситаси, шу жумладан, 987 та босма нашр — 689 та газета, 283 та журнал, 15 та ахборотнома, 100 та электрон ОАВ — 66 та телеканал, 34 та радиоканал, 4 та ахборот агентлиги, шунингдек, 304 та янгиликлар веб-сайти рўйхатдан ўтганининг ўзи жамиятимизни ахборотлаштириш борасида қанчалик самарали ишлар амалга оширилганлигини ифода этади. Бу ОАВ материаллари 15 тилда жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётгани ахборот маконига қанчалик салмоқли ўринга эга бўлаётганимизни кўрсатади.

Жамиятни ахборотлаштириш юқори даражага чиққач, у давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштиришга ҳам хизмат қилаётир. Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан самарали фойдаланилмоқда. Давлат бо-



шқарувида “электрон ҳукумат” технологиялари юқори даражада жорий этилган илғор мамлакатлар қаторига кириши лозим деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан партиямиз ҳам ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги меъриий-хуқуқий базани янада такомиллаштириш тарафдори сифатида фуқароларга интерфаслар билан давлат хизмати кўрсатиш жараёнларини самарали ташкиллаштириш бўйича бир қатор вазифаларни илгари суради.

Бинобарин, галдаги устувор вазифалардан бири — телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилишдан иборат. Бунда биринчи галда интернет тармоғига кенг полосали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшитиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлашдек муҳим вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Айни пайтда интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилиши таъминлаш долзарб вазифаларимиздан биридир. Замонавий веб-ресурслар фаолиятини тобора такомиллаштириб бориш ҳам давр тақо-

зосидир. Ёш авлоднинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириб бориш қанчалик заруратга айланганини изоҳлашга ҳолат йўқ. Шу билан бир қаторда интернет тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур.

Шу ўринда, ҳўш, бу масъулиятли вазифалар қандай ижобий ҳал этилиши мумкин, деган ҳақли савол туғилади.

Биринчидан, ҳар қандай вазифани ўша соҳанинг малакали кадрлари ҳал этади. Яъни, телекоммуникация, интернет журналистикаси ва турдо соҳаларда малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш зарур.

Иккинчидан, бу соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамлаш даркор. Инчунин, соҳага тегишли қонун ва ҳукумат қарорларини заруратига қараб мукамаллаштириш ҳамда, энг муҳими, улар ижросини тўлақонли таъминлашга эришиш лозим.

Учинчидан, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб боришга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчидан, узлуксиз равишда ушбу соҳаларда жаҳон андозаларини ўрганиб бориш ва миллий менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда уларни амалиётга татбиқ этиб бориш керак бўлади.

Шуни айтиш жоизки, бугунги кунда давлатимиз бошқаруви тизимида “электрон ҳукумат”нинг татбиқ этилиши фақат тараққиётга хизмат қилади. Бунда биринчи галда вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлашти-

риш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш замон талаблари даражасида ҳал этилиши лозим. Бу жараёнда ўша идора ва ташкилотлар билан фуқаролар, яъни халқимиз ўртасида қандайдир сунъий “девор”лар пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ана шундангина бошқаруви тизимида эскидан қолган маъмурий-буйруқбозлик, расмийчилик, сансоларлик, кўзбўямачилик каби иллатларга асло ўрин қолмайди. Давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини вуҷудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқаришда катта ижобий натижаларга эришилади. Бу жараён бошқаруви тизимидан тортиб ҳар бир идора ва ташкилот фаолиятига ҳамда маънода шаффофлаштиришга хизмат қилади. Шу тариқа жамиятимизни янада демократлаштиришга, ҳар бир соҳада очиклик ва ошқораликни таъминлашга замин яратилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳаётимиз янада эркин ва фаровон бўлишига хизмат қилади.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,
«Адолат» муҳбири

➤ Болалар спорти

Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида усти ёпиқ мини-футбол майдони фойдаланишга топширилди.

УЧҚУДУҚДА УСТИ ЁПИҚ СТАДИОН

Майдоннинг очилишига бағишланган маросимда мамлакатимизда аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замонавий ва қулай шарт-шароит яратиш, янги спорт иншоотлари қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, болалар спортини ривожлантириш бўйича кенг қўламда ишлар амалга ошириладигани алоҳида таъкидланди.

Стадион йилнинг исталган фаслида нафақат мини-футбол, балки қўл тўпи, кураш, стол тенниси, волейбол каби спорт турлари билан ҳам шуғулланиш учун кенг имконият яратади.

— Шу пайтга қадар ёгин-сочинли кунларда футбол ўйнаш учун имконият йўқ эди, — дейди учқудуқлик ўспирин Сирожиддин Нормуродов. — Энди уйимизга яқин ушбу стадионда тўп сураимиз. Муҳими, вақт ва маблағимиз тежалди. Спорт билан мунтазам шуғулланишимиз учун давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай замонавий шароитлар биз, ёшларга қўнғайрат, шижоат бағишламоқда.

Н.РАҲИМОВ, ЎЗА муҳбири

Qishloq Qurilish Bank

Фаровон ҳаётингиз хизматида!

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийосий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроҳ ҚАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Диалором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖЎРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Таҳват МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Рустамжон Аҳмадалиев
Навбатчи — Феруз Жўраев

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рўқмга бинон 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табак. Офсет усулида босилади. Буюртма Г — 300. Адади — 16933 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилади — 21.30 Баҳорчи келишидан нарҳда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5237



1 2 3 4 5